
Ҳоким ёрдамчиси халқ хизматида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ҳоким ёрдамчилари республикамизнинг барча ҳудудларида иш фаолиятини бошлади.

Туманимиздаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчасида тадбиркорлик лойиҳаларини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш, камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш мақсадида ҳоким ёрдамчилари иш олиб бормоқда.

Биргина мисол, туман марказидан узоқ ҳудудда жойлашган "Тожикқишлоқ" маҳалласига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Сардорбек Абдуллаев томонидан ҳар куни эрта тонгдан иш ташкил қилиниб, маҳалла аҳолисининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмак бериш чоралари кўриломоқда.

Мисол учун ҳудуддаги фуқаро Абдуҳоким Хусаиновга имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан товуқ олишга кўмаклашилиб қўшимча даромад манбаи яратилди.

Шунингдек ҳудуддаги автошоҳбекат биноти маҳалла кўркини бузиб турган эди. Ҳоким ёрдамчиси, сектор раҳбари кўмаги, тадбиркор Жўрахон Хасановнинг ҳаракати билан давлат ҳусусий шериклик асосида янги хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ташкил этилди.

Бундай ислохотлар ҳар бир ҳудудда жадал амалга оширилмоқда

2022-09-19 13:54:57